



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ АСОСИДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг амалга ошириладиган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида таъсирини кучайтиришга йўналтирилган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш давлат ва жамият курилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Мамлакатимизда ислохотларнинг фаол амалга оширилиши муносабати билан давлат ва жамиятни ривожлантиришга оид қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони ва кўлими ошди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар қонун ҳужжатларини қўллаш самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш фаолияти етарлича ташкил қилинмагани, уларнинг натижаларини мониторинг қилишнинг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизми тўлиқ йўлга қўйилмаганини кўрсатмоқда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш, нотўғри ёки зиддиятли ҳуқуқни қўллаш амалиётига олиб келадиган нормалар пайдо бўлишининг олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуни 42-моддасига мувофиқ давлат бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинг йўналиши амалга оширилгани лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторинг тизимини (кейинги ўринларда – ҳуқуқий мониторинг) жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қуйдагилар ҳуқуқий мониторингнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ягона амалиётини жорий этиш;

(Давоми 2-бетда)

Сўз ва ахборот эркинлиги, ўз фикрини эркин билдириш, ахборот олиш ҳуқуқини энг асосий ва халқаро тан олинган инсон ҳуқуқларидан ва демократик жамиятнинг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Эркин ва демократик жамиятда мазкур ҳуқуқни таъминлаш мустақил ва плюралистик оммавий ахборот воситаларини тақозо қилади.

Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият курилиши тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ охириги уч йилни оладиган бўлса, мамлакатимизда очиқлик ва ошқоралик, сўз ва матбуот, фикр эркинлиги ҳаётимиз мезонига айланганини барчамиз ўз кундалик турмушимизда яққол сезмоқдамиз. Кейинги пайтда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида кескин жонланш бўлди, уларда соғлом танқидий руҳ кучайиб, юртдошларимиз ўз фикрларини очик-ошкора, дадил айтди. Алоҳида алоҳида эътиборга лойиқ.

Айниқса жамиятимиз ҳаётида демократик принципларни мустақамлашда, сайловларнинг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари ниҳоятда муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимиз миллий сайлов қонунчилигини таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнида ахборот бериш, хабардор қилиш (сайлов кампанияси ҳам ОАВ орқали эълон қилиниши сайловни ўтказишнинг муҳим шартидир); жамоатчилик назорати сифатида кузатиш, сайловолди ташвиқот ва сайловга оид ҳуқуқий тарғибот воситаси бўлиб хизмат қилади.

Сайлов кампаниясидаги барча муҳим воқеа ва янгиликларни фуқаролар оммавий ахборот воситалари орқали билдирилди.

Агар ўтган 2016 йилги сайловлардан мисол келтирадиган бўлсак, сайловни 615 та миллий ва 272 та хорижий оммавий ахборот воситалари, шу жумладан 315 та хорижий ва миллий Интернет нашрлари ёритиб бор-

САЙЛОВ – 2019 САЙЛОВ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

ган. Мамлакатимиз ва чет элнинг 1 400 нафардан ортиқ журналистлари иштирокида сайлов кампаниясининг муҳим босқичларига бағишланган 180 та матбуот анжумани ва онлайн брифинглар ўтказилган. 22 700 дан зиёд мақола ва ахборот материаллари эълон қилинган, кўрсатув ҳамда эшиттиришлар эфирга узатилган.

Сайлов кодексининг 36-моддасига асосан Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловни бўйича сайлов кампанияси бошланганиги уларнинг ваколатлари муддати тугашидан



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистонда давлат архивлари тизимини ташкил топганлигининг 100 йиллигига бағишланган "Боқийликка дахлдор аср" номи фотокўرғазма очилди.

ФОТОСУРАТЛАРГА МУҲҲРАНГАН МАНГУЛИК

Мазкур фотокўрғазма Ўзбекистон кинофотофоно ҳужжатлари Миллий архивидан 1943 йилда ташкил топган Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мамлакатимизда миллий тарихий меросимизни асраб-авайлаш, архив ишига доир чора-тадбирларни бугунги замон руҳига монанд ташкил этиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон кинофотофоно ҳужжатлари Миллий архивидан сақланаётган ноёб фотосуратлар архивда Миллий тарихий фонднинг ноёб фотосуратлари, яъни халқимизнинг маданий мероси билан кенг оммани таништириш фотокўрғазмининг асосий мақсади.

Ўзбекистон кинофотофоно ҳужжатлари Миллий архивидан 1943 йилда ташкил топган Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида ташкил этилди.

Фотокўрғазмада намоийш этилган фотосуратлар архивда сақланаётган ноёб, қimmatли ва қизиқарли ҳужжатли фотосуратлар орасидан танлаб олинган. Улар турли мавзуларда бўлиб, таъсирларда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг кундалик ҳаёти, мусиқа мактаби ўқувчиларининг машғулотлари, миллий хунармандчилик, хусусан, қуллоқ-усталарнинг иш фаолиятлари, археологларнинг илмий-текширув жараёнлари, Ўзбекистон санъат арбобларининг оддий халқ билан мулоқоти, ижодий суҳбатлар, чет эллик меҳмонларнинг мамлакатимизга ташрифи сингари жараёнлар акс этган. Айниқса, 1880-1900 йиллардаги ўзбеклар вакиллари ва уларнинг ижтимоий ҳаёти тасвирланган фотосуратлар омма учун жуда қизиқарлидир.

Бир ҳафта давом этувчи мазкур кўрғазма тадқиқотчилар, педагоглар, олимлар, талабалар, тарихга қизиқувчи ўқувчилар учун ташкил этилган қизиқарли маърифий тадбирлар сирасига кирди.

Н.УСМОНОВА

ШҲТ ҲУҚУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

Хабар қилинганидек, Тошкент шаҳрида 2 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн саккизинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кацянь, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Дмитрий Медведев, Қозғоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Мамин, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Муҳаммадқалий Абилгазиев, Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода, Ҳиндистон Республикаси мудффа вазири Ражнат Сингх ва Покистон Ислам Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг ШҲТ бўйича миллий координатори Заҳур Аҳмаднинг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Музокарада ШҲТ Бош қотиби Владимир Норов ва ШҲТ Минтақавий ахборот воситалари Ижроия қўмитаси директори Жумахон Фиёсов ҳам иштирок этди.

Ҳукумат раҳбарлари кенгаши иштирокчилари кун тартиби ва унинг доирасида имзоланадиган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлади, ШҲТ фаолиятига доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашди.

Кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши бошқаруви ра-

иси М.Шаршекеев ва ШҲТ Банклараро бирлашмаси кенгаши раиси А.Оморқуллов, кузатувчи давлатлар вакиллари – Афғонистон Ислам Республикаси Бош вазири А.Абдулла, Беларусь Республикаси Бош вазири С.Румас, Эрон Ислам Республикаси биринчи вице-президенти И.Жаҳонгирий, Мўғулистон Бош вазири ўринбосари У.Энтүвшин, фахрий меҳмон сифатида Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов, шунииндек, ҳамкор халқроқ ташкилотлар вакиллари – БМТ ЭСКАТО ижрочи қотиби ўринбосари Х.Хам, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари С.Иванов, АСЕАН Бош қотиби ўринбосари Р.Тене, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаши қотибияти ижрочи директори Х.Мирзоода, Евросиё иқтисодий комиссияси хайъати раиси Т.Сархисан, БМТ ФАОНинг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили В.Рахманин қатнашди.

(Давоми 2-бетда)

сайловга тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш бўйича икки томонлама шартномалар имзолади.

Ҳўш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашида оммавий ахборот воситаларининг роли қандай?

Фуқаролар сайловга тайёрларликнинг бошқаруви ва сайлов қандай ўтаётганини, сайлов комиссияларининг ишини, уларнинг қарорларини, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги ҳақида, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўладилар, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан танишиш имкониятига эга бўладилар, номзодлар тўғрисидаги, шунингдек, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақидаги маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали билиб оладилар.

Оммавий ахборот воситалари орқали фуқаролар ўз сайлов ҳуқуқларини қай тарзда амалга ошириш, сайловга қатнашаётган турли сиёсий партиялар ва номзодларнинг асосий сайловолди сиёсий позициялари ва жамиятдаги турли масалаларга қарашларидан хабардор бўлиш ҳамда айни вақтда бунга ўз фикрларини билдириш имкониятига эга бўладилар.

Оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёнидаги яна бир муҳим иштироки уларнинг сайловга тайёрларлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш ҳуқуқи билан боғлиқ. Сайлов кодексининг 8, 35-моддаларига асосан оммавий ахборот воситаларининг вакиллари сайловга тайёрларлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш, сайлов кун овоз бериш биналарида, шу жумладан овозларни санаб чиқиш чоғида ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг Ўзбекистон "Миллий тиклиш" демократик партияси Қоракалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан "Сайлов ва ёшлар" мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинган "Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлари" доирасида ташкил этилган тадбирда Қоракалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари, Нукус давлат педагогика институти ўқитувчилари ва талабалари, партия "Ёшлар қаноти" қошида ташкил этилган "Ёш сиёсатчилар" ва "Ёш лидерлар" клублари аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

● Покистоннинг Лахор шаҳрида жойлашган Ўзбекистон – Покистон савдо ва маданият маркази делегацияси Наманган вилоятига келди. Покистонлик ишбилармонлар бир қатор саноат корхоналари, кичик саноат зоналари, савдо марказлари ҳамда Наманган муҳандислик-технология институти, янги барпо этилаётган "Президент мактаби", Исҳоқхон Ибрат мемориал комплекси, Ахсикен археологик ёдгорлиги, Султон Увайс Қароний зиёратгоҳларида бўлиб, яратилган инвестиция муҳити самаралари, вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий, тарихий-маданий, илмий салоҳияти билан яқиндан танишди.

● Андижон тумани Давлат хизматлари марказида Давлат хизматлари агентлиги Андижон вилояти бошқармасининг жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомидаги фаолиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Анжуманда Давлат хизматлари агентлиги Андижон вилоят бошқармаси ва унинг туман, шаҳар тизимларида жорий йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди.

● Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш Тошкент шаҳар маркази томонидан пойтахтимизда жойлашган маҳаллаларда фаолият юритувчи психологлар учун "Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрни" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Ҳиндистон пойтахти Дехли шаҳридаги ҳавонинг ифлослашиш даражаси меъёридан 400 баробар ошиб кетиши, яъни 1 куб метрда 25 микрограмм ўрнига 800 микрограммга етиши кўпжа муаммоларни келтириб чиқарди. Жумладан, ифлос ва қуюқ чангли ҳаво сабаб Дехли аэропорти кўпжа ҳаво рейсларини қабул қила олмади, транспортлар қатнови бўйича ҳам чекловлар бўлди.

● Дунёдаги энг қадимги марварид Бирлашган Араб Амирликларининг Лувр музейида ўтадиган "Ҳашаматнинг ўн минг йили" кўрғазмасида намоийш қилинмоқда. Диаметри 2,5 мнни ташкил қилувчи ва 8 минг йиллик митти марварид илк бор кенг омма иштироғига қўрсатилмоқда ва унинг намоийш 18 февралгача давом этади. Ушбу марварид Марока оролида топилган бўлиб, шайх Зоид миллий музейи коллекциясига қаради. Абу-Дави Луври 2017 йилда очилган ва БААдаги биринчи университет бадий музей ҳисобланади.

● Жанубий Кореяда терроризмга қарши курашиш бўйича умуммиллий ҳарбий машқлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ АСОСИДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

хуқуқий мониторингни ўтказишда давлат бошқаруви органлари адвокатлар, илмий-таълим муассасалари мутахассислари, нодавлат нотариот ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, шунингдек, фуқароларни шартнома асосида жалб қилишга ҳақли. Ушбу тадбирларни молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат бошқаруви органларининг хуқуқий мониторингни ўтказиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган этиб белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги хуқуқлар берилсин: давлат бошқаруви органлари томонидан ўтказиладиган хуқуқий мониторингда иштирок этиш;

давлат бошқаруви органлари томонидан хуқуқий мониторинг якунлари бўйича ўз вақтида тақдим этилмаган, нотўғри, ишончсиз ёки тўлиқ бўлмаган ахборот тақдим этилмаган тақдирда, уларга нисбатан хуқуқий мониторингни ўтказишдаги қондабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилши мажбурий бўлган тақдирларни киритиш.

6. Давлат бошқаруви органлари: а) ҳар йили 1 февралга қадар: хуқуқий мониторинг ўтказилиши лозим бўлган норматив-хуқуқий ҳужжатлар рўйхатини шакллантиришни ва биринчи раҳбар имзоси билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этишни;

мониторинг режасига мувофиқ ўтган йилда ўтказилган хуқуқий мониторинг натижалари тўғрисида ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этишни;

б) ҳар чорақда мониторинг режасига мувофиқ таҳлилий маълумотлар ҳамда норматив-хуқуқий ҳужжатларда камчиликлар аниқланган тақдирда, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига киритилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳар йили 20 февралга қадар:

а) давлат бошқаруви органларининг тақлифлари асосида мониторинг режаси лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) давлат бошқаруви органлари томонидан ўтган йилда ўтказилган хуқуқий мониторинг натижалари тўғрисида қуйидагиларни назарда тутишчи ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

мониторинг режасининг бажарилиши натижалари;

норматив-хуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уларни бекор қилиш зарурати;

хуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, қонунчиликдаги бўлиқ ва зиддиятлар, шунингдек, коррупцияга оид нормаларни бартараф этиш чораларини кучайтириш бўйича тақлифлар;

норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, хуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда коррупцияга қарши курашиш са-

марадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул бўлган давлат бошқаруви органлари.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳар йили 20 мартга қадар мониторинг режасини ҳамда хуқуқий мониторинг натижалари тўғрисида ҳисоботни Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида муҳокама қилган ҳолда тасдиқласин.

9. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ижросининг хуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида Низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилаб қўйилсинки: давлат бошқаруви органлари раҳбарлари хуқуқий мониторингини сифатли ва ўз вақтида ўтказиш, мониторинг режаси бўйича тақлифларни пухта ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ўтказилиши ҳолати бўйича ахборотни белгиланган муддатларда киритиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

хуқуқий мониторингни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар, шу жумладан, мазкур қарорнинг 6-7-бандларида назарда тутилган ташкилий тадбирлар Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишни ягона электрон тизимда ташкил этиладиган махсус электрон майдонда амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ой муддатда Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва

келишишини ягона электрон тизимда: хуқуқий мониторинг иштирокчилари ўртасида тезкор электрон ҳужжат айланишини таъминлаш;

мониторинг режасини шакллантириш; ўтказилган хуқуқий мониторинг якунлари бўйича тайёрланган материалларни жойлаштириш имконини яратувчи махсус электрон майдончани жорий этиш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мунтазам равишда махсус электрон майдончанинг тўғри бошқарилишини мувофиқлаштирсин, шунингдек, ўтказилган хуқуқий мониторинг якунлари бўйича жойлаштирилган материалларни таҳлил қилиб босин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомга 2-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатлари мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Ш.Н.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 2 ноябрь

ШҲТ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мажлисида ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Бишкек саммитида ҳукуматлар олдига қўйилган вазифалар – аъзо давлатлар ўртасида хавфсизлик, сиёсат, иқтисодиёт соҳаларида кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлашга оид ташкилот Бош қўмити В.Норовнинг ҳамда ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши ва Банкараро бирлашмаси кенгаши раисларининг тузилма фаолиятига оид ахборотлари тингланди.

Ҳукумат раҳбарлари ШҲТга аъзо давлатлар ишбилармон доираларининг юқори технологияли ва инновацион қўшма ишлаб чиқаришлари ташкил этиш, иқтисодийнинг инфратузилма, машина-созлик, енгил ва озик-овқат саноати, рақамлаштириш, энергетика, қишлоқ хўжалиги, туризм каби муҳим тармоқларида лойиҳаларни амалга ошириш, кўргазма-ярмарка фаолияти ва мультимодал транспорт-логистика мажмуаларини ривожлантиришга қаратилган амалий ташаббусларининг муҳим аҳамиятга эга эканига алоҳида эътибор қаратди.

Биргаликда очик турдаги халқаро иқтисодийни шакллантириш бўйича саъй-ҳаракатларни янада чуқурлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Мажлисида транспорт йўлакларини ривожлантириш соҳасида кўп томонлама ҳамкорликни мустақамлаш устувор аҳамият касб этиши таъкидланди. ШҲТга аъзо давлатлар темир йўл маъмуриятлари ўртасида темир йўл транспорти соҳасидаги ўзаро боғлиқлик концепцияси тасдиқланди. Бу минтақада мавжуд транспорт имкониятларидан самарали фойдаланиш, транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш, юк ташиш ҳажмини кўпайтириш учун қулай шартин яратиш имконини беради. Шу орақли ШҲТ маконида товарлар айланиши ва инвестиция фаолиятини ошириш учун қулай муҳит яратилади.

Мажлисида ШҲТ билан БМТнинг Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ҲАО) ўртасида англашув мессорандуми имзолангани ташкилот фаолияти сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт ва гуманитар алоқа соҳаларидаги ҳамкорликнинг кўп қиррали

хусусиятга эга эканини яна бир бор тасдиқлади.

ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида олис ва қишлоқ ҳудудларида аҳолига сифатли хизматлар кўрсатишда алоқаларни чуқурлаштириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, маданият, таълим, спорт, фан ва техника соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича ишларни давом эттиришга келишиб олинди. Мамакатларнинг бой тарихий-маданий меросини тарғиб этиш мақсадида минтақанинг сайёҳлик салоҳиятидан янада тўлроқ фойдаланишга оид алоқаларни ривожлантириш, бунда Самарқанддаги "Ипак йўли" туризм халқаро университети имкониятларидан кенг фойдаланиш тақлиф этилди.

Орол минтақасидаги экологик вазиятни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистоннинг "Оролбўйи – экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди"ни ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлаш ғояси илгари сурилди.

Ҳукумат раҳбарлари ШҲТга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастури ижросини кўриб чиқдилар ва янги дастурни таъминлаш бўйича дастурни маълумлашди. Ташкилотнинг 2020 йил учун мўлжалланган бюджетини тасдиқладилар.

Тадбирда жами 14 ҳужжат имзоланди. ШҲТга аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн саккизинчи мажлиси якунлари бўйича Кўшма коммюнике имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мажлис самалари бўлгани, имзоланган ҳужжатлар ШҲТ мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди. Тадбир иштирокчилари ШҲТга аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси юксак саньяда ташкил қилинганини эътироф этиб, Ўзбекистон томонига самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси 2020 йилда илк бор Ҳиндистон Республикасида ўтказилади. **Улуғбек ШОНАЗАРОВ, УзА муҳбири**

Қарор ва ижро

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТГА ҚЎШИМЧА МАБЛАҒЛАРНИНГ КЕРАКЛИ ТАРТИБГА МОЛИЯЛАШТИРИЛИШИ ЖАРАЁНИДА ФАОЛ ҚАТНАШИНГ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги "Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокчини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3917-сон қарорига асосан www.openbudget.uz сайти фаолият кўрсатмоқда.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига Тошкент шаҳри туманлари маҳаллий бюджети қўшимча манбаларининг миқдори 41 119 746 150 сўмини ташкил этди. Ушбу маблагларнинг камида 10 фоизи яъни 4 111 974 615 сўм миқдори жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларнинг молиялаштиришга йўналтирилишида белгиланган қойдага мувофиқ Сизнинг иштирокингизни сўраймиз.


Бунинг учун Сиздан www.openbudget.uz сайтида шахримиз аҳолиси томонидан тақлиф этилаётган тадбирларга овоз беришингиз ёки овоз бериш саҳифасининг қуйи қисмида жойлашган "фикрингизни қолдириш" тугмаси орқали ўз тақлифингизни қолдиришингиз сўралади.

Энг қўп овоз берилган тадбирлар жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирлар ҳисобланади ва туманлар маҳаллий бюджети қўшимча манбаларидан камида 10 фоизи, яъни 4 111 974 615 сўм маблаг ушбу тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Тадбирга овоз бериш ёки тақлиф бериш давомийлиги 2019 йил 15 октябрдан 2019 йил 15 ноябрга қадар давом этади. 2019 йил 15 ноябрдан кейин берилган овоз ва тақлифлар ҳисобга олинмаслигини маълум қиламиз.

Шу муносабат билан Сиздан, тадбирда фаол иштирок этишингизни сўраймиз.

T/p	Туман номи	10 фоизлик миқдори
1	Шайхонтохур тумани	139 728.3
2	Учтепа тумани	162 055.3
3	Мирзо Улуғбек тумани	220 403.2
4	Олмазор тумани	377 993.0
5	Юнусobod тумани	761 089.0
6	Сергели тумани	406 341.6
7	Яккасарой тумани	192 611.8
8	Миробод тумани	552 386.4
9	Чилонзор тумани	607 786.4
10	Яшнобод тумани	454 441.2
11	Бектемир тумани	237 138.4
	ЖАМИ	4 111 974.6



Тошкент шаҳар ҳокимлиги Маҳкамаси Молия бош бошқармаси

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ҚЎШИМЧА МАНБАЛАРИ ҚАНДАЙ САРФЛАНАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги "Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокчини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3917-сонли қарорининг 6-бандида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари қўшимча манбаларидан камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларнинг молиялаштиришга сарфлаш вазифаси юклатилган.

Шайхонтохур тумани бюджети қўшимча манбаларининг миқдори 2019 йил 1 октябрь ҳолатига 1 397 282 600 сўмини ташкил этди. Ушбу маблагларнинг камида 10 фоизи жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида Сизнинг иштирокингизни сўраймиз. Бунинг учун Сиз қуйида туманимиз аҳолиси томонидан тақлиф этилаётган тадбирларга овоз беришингиз ёки овоз бериш саҳифасининг қуйи қисмида жойлашган "фикрингизни қолдириш" тугмаси орқали ўз тақлифингизни қолдиришингиз сўралади. Энг қўп овоз берилган тадбир жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбир ҳисобланади ва туман бюджети қўшимча манбаларидан 10 фоизи яъни

139 728 260 сўм маблаглар ушбу тадбирни молиялаштиришга йўналтирилишида.

Тадбирга овоз бериш ёки тақлиф бериш давомийлиги 2019 йил 15 октябрдан 2019 йил 15 ноябрга қадар давом этади. 2019 йил 15 ноябрдан кейин берилган овоз ва тақлифлар ҳисобга олинмаслигини маълум қиламиз.

Сизларни овоз бериш жараёнида фаол иштирок этишингизни ва тақлифлар инобатга олиниб 139 728 260 маблаглар мақбул тадбирлар учун сарфлангани мумкинлигини билдирамиз!
Шайхонтохур туман ҳокимлиги Молия бўлими

САЙЛОВ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Оммавий ахборот воситалари вакиллари ваколатлари Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак. Бошқа давлатларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари Марказий сайлов комиссияси аккредитациядан ўтказди. Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 5 октябрдаги қарори билан Сайлов кампанияси даврида оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари сайлов кампанияси бошланганлиги расман эълон қилинган кундан бошлаб, қанда тарихида, сайловга камида ўн беш кун қолгунга қадар МСК, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларига уларни аккредитациядан ўтказиш тўғрисида мурожаат қилишлари мумкин.

Сайлов жараёнининг барча тадбирлари оммавий ахборот воситалари нигоҳида бўлиши сайловларимизни очик ва ошқора, эркин ва адолатли ўтказишига, жамоатчилик назоратини таъминлашига хизмат қилади.

Яна бир масала. Сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг оммавий ахборот воситалари билан сайлов жараёнидаги муносабатлари нимага қўринади? Бунда оммавий ахборот воситаларининг сайлов кампаниясидаги энг муҳим роли сайловдаги ташвиқот қосқичида намоён бўлади.

Сайловдаги ташвиқоти – бу сайлов кампаниясининг энг муҳим босқичларидан бири бўлиб, бир ойдан ортиқ вақт давом этади, яъни сайловга 35 кун қолганда бошланади ва бир кун қолганда тўхтайтилади. Сайлов кодексининг 45-46-моддаларига асосан ташвиқот матбуот конференциялари, интервьюлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар шаклларида ҳам олиб борилиши мумкин. Ташвиқот оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари, шунингдек, Интернет орқали ҳам амалга оширилади.

Бунда адолатли таъминлашнинг энг муҳим шартин барча партиялар, номзодлар учун тенгликни кафолатлаш ҳисобланади. Қайд этиш жоизки, дунёнинг айрим давлатларида сайловдаги ташвиқотда аввалги сайловларда парламент оланг ўринларига пропорционал равишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишни тақсимлаш тажрибаси ҳам мавжуд. Мамлакатимиз сайлов қончилигида эса барчага аввалги сайловда эгаланган ўрнидан қатъи назар тенг имконият берилади. Шунинг учун Сайлов кодексига кўра ташвиқот олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақтини ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шартин таъминланади. Давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин. Нодават оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

Бепул эфир вақтидан сиёсий партиялар вакиллари ва депутатликка номзодлар оммавий дебатлар, мунозаралар, матбуот анжуманлари, интервью, чиқишлар, сайловчилар йиғилишлари, номзод тўғрисида роликлар жойлаштириш ва ҳоказолар учун фойдаланиши мумкин.

Миллий сайлов қончилигимизнинг мазкур қоидаларини сайловга оид халқаро стандартларга тўлиқ мос келади. Жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг инсонийлик мезони бўйича конференцияси Копенгаген ҳужжати 7-моддасида давлатлар оммавий ахборот воситаларидан монеликсиз фойдалана олиш учун сайлов жараёнида иштирок этишни хоҳловчи барча сиёсий гuruhлар ва алоҳида шахсларга камситмаслик асосида қандайдир юридик ёки маъмурий тўсиқлар ўрнатилмаслигини таъминлашлари кераклиги белгиланган.

2002 йилда Венеция комиссияси томонидан қабул қилинган Сайловларга нисбатан раҳбарий принципларнинг 2.3-бандига мувофиқ, барча партия ва номзодларга тенг имкониятлар кафолатланган бўлиши керак, бу эса давлат ҳокимияти органларидан оммавий ахборот воситаларида, хусусан давлатга тегишли оммавий ахборот воситаларида партия ва номзодларни ёритишга холис муносабатда бўлишни назарда тутди.

Сайловга оид хуқуқий тарғибот воситаси сифатида оммавий ахборот воситалари аҳолининг сайлов қончилигига оид билимини оширишга қаратилган мақолалар, ток-шоулар, ижтимоий роликлар, кўрсатувлар ва эшиттиришлар ташкил қиладилар.

Оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан ҳамма фойдалана оладиган телекоммуникация тармоқларида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларни ёритиш жараёнининг мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан амалга оширилади.

Юқоридагиларни барчаси шунинг кўрсатмоқдаки, сайлов жараёнининг барча босқичлари очик ва ошқора, оммавий ахборот воситалари иштирокида, барча партиялар ва номзодлар учун тенг ва адолатли ўтказилиши учун зарур қонунчилик базаси яратилган.

Сайлов жараёнида оммавий ахборот воситаларининг иштирок этиши фуқароларнинг сўз ва ахборот эркинлигини, ўз фикрини эркин билдириш, ахборот олиш ҳуқуқларини таъминлашга, сайлов қончилигини устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга, пировардида эса чинакам демократик фуқаролик жамияти барпо этишга хизмат қиладди.

Мирвазвал МИРАКУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти бошлигининг биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори

ЛОЙИХАЛАР ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛАЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институтида "Полимерлар ҳақидаги фаннинг замонавий муаммолари" мавзусидаги республика анжумани ташкил этилди.

Мазкур институт Ўзбекистон Республикасидаги синтетик ва табиий полимерлар кимёси, физикаси ва технологияси йўналишидаги етакчи илмий муассаса ҳисобланиб, бундан 37 йил аввал ташкил қилинган. 1979 йилда полимерлар кимёси бўлими сифатида, 1981 йилдан Полимерлар кимёси ва физикаси институти, 2014 йилдан 2017 йилгача Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази сифатида фаолият юритган.

Марказ Президентимизнинг 2017 йил 17 февралдаги "Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ Полимерлар кимёси ва физикаси институти сифатида ташкил этилди.

Ушбу йиллар давомида фундаментал ва амалий тадқиқотлар вазифаларини белгилашда асосий истиқболли йўналишлар сифатида, тиббиёт ҳамда саноатнинг турли тармоқлари учун янги материаллар ва нанотехнологиялар борасидаги самарали ишланмаларни илгари сурди ва мазкур йўналишлардаги илмий фаолиятни изчиллик билан давом эттириб келмоқда.

Йўналишларро ҳисобланган полимерлар ҳақидаги фан соҳасидаги тадқиқотларни ривожлантириш асосида институтда илк бора ўсимликларни ҳамойиллаштириш кимёвий воситалари полимер препаратив шакллари кўлашини экологик хавфсиз технологиясини яратиб борасида фунда-

ментал ва амалий гоаялар шакллантирилди. Натижада табиий ва синтетик полимерлар ҳамда уларнинг аралашмалари асосидаги биологик фаол полимер махсулотларни қўлланган ҳолда уруғларни капсуллаш усули билан ишлов бериш орқали экиш олдинда тайёрлашнинг экологик хавфсиз технологияси ҳамда пестицидларнинг экологик хавфсиз полимер шакллари ишлаб чиқариш технологияси ривожлантирилди.

Ҳўш, натижалар қандай? Конференция давомида шу ҳақида маълумотлар берилди. Маҳаллий ва импорт ўрнини босувчи УЗХИТАН препаратини — ўсишни рағбатлантириш таъсирига эга, экиш сифатини яхшилашчи уруғдориллашчи ишлаб чиқилди. Ушбу препарат ва уни ишлаб чиқариш технологиясини амалиётда қўллаш учун Давлат кимё комиссияси ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан руҳсат этилган.

Маҳаллий импорт ўрнини қопловчи ПОЛИДЕФ препаратини — юмшқ таъсириди самарали дефолиант ишлаб чиқилди, мазкур дефолиантни қўллаш пахта ҳосилининг орттишига, пахта экилган ҳудудда экологик ҳолатнинг яхшиланиши ҳамда махсулот сифати яхшиланишига олиб келади.

Институтда кичик инновацион корхона ташкил этиш, кам тоннажи кимёвий махсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, институтнинг ипақ курти гулбағини комплекс қайта ишлаш, полибутилметакрилат ишлаб чиқариш қурилмасини шакллантириш ва ўрнатish каби ишланмаларини амалиётга жорий этиш, институт ишланмаларини нефть-кимё ва кимё саноати тармоқларига жорий этиш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Биринчи бор Bombyx mori хитозанлари асосида агрополимерлар — ипақчилик чиқиндиларида ажитиб олинган маҳаллий табиий полимерлар ишлаб чиқарилди. Экологик

хавфсиз "Узхитан" ва "Полидеф" препаратларининг полимер шакллари кенг микёсда қўллашга руҳсат олинди ҳамда мамлакатнинг турли ҳудудларда қишлоқ хўжалик экинларини экишга тайёрлаш ва пахта туپини дефоляциялашда кенг микёсда синовлардан муваффақиятли ўтди.

2018-2019 йилларда "Silverleaf BMB Agro Trade Group" Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси ўртасида тузилган ҳамкорлик меморандуми асосида институт ходимлари Ўзбекистонда Хитозан тўқимасида жойлашган агрокластер далаларида экологик хавфсиз "Узхитан", "Полидеф", "Купрумхит", "Аскорбат Хитозан" ва бошқа пахта чигитини экиш учун тайёрлашда қўлланилувчи биостимулятор, фунгицид ва бактерицид хусусиятларга эга бўлган полимер препаратларнинг дала синовларини олиб борди.

Ҳозирги вақтда мазкур препаратлар муаллифлари бўлган бир гуруҳ олимлар агрокластер далаларида препаратларнинг пахта ҳосили ва сифатига таъсирини тадқиқ этмоқда.

Тиббиётга оид қандай ишлар қилинапти? — 1993 йилдан институтда пахта целлюлозаси соҳасида, унинг оддий эфирларини олиш жараёни, линдтан пахта целлюлозасини ажратиш олиш ва ишлаб чиқариш технологиясини йўналишида фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаол олиб борилаяпти. — дейди техника фанлари доктори Абдумотлиб Атахонов. — Биринчи марта Республикада аналогий бўлмаган полимер шакллари препаратлар олинди ва уларнинг клиник синовлари ўтказилди: трофик яралар, қуйган яралар ва бачадон бўйни касалликларини даволаш учун мўлжалланган, целлюлозанин сувда эрувчан ҳосиласи ва кумуш нанозерралари асосидаги "Бакебергель" гидрогели, жарроҳлик амалиётидан кейинги даврга ички аъзоларнинг ёпишиб қолиши олдини олувчи, целлюлозанин сувда эрувчан ҳосиласи асосидаги "Аспайк" гидрогели каби. Юқори гемостатик фаолиетка эга бўлган "Гепросел" препаратини, биопарчаланувчан, вирусга қарши "Глазавир" доривор қўш имуноген, таркибиде кумуш нанозерралари тутган, биопарчаланувчан, бактерицид хусусиятини "Нанодерм" плёнкасини олиш технологиялари ишлаб чиқилди ва клиникага бўлган синовлари ниҳоятда.

Анжуманда олимлар ва ёш тадқиқотчиларнинг илмий ишлари натижаларини шўбаларга бўлинган ҳолда таҳлил этиш режалаштирилган.

Барно МЕЛИҚУЛОВА, ЎЗА мухбири



МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармасининг Тошкент шаҳри аэропортларида хавфсизликни таъминлаш бошқармасида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда ҳар бир соҳа ривожига катта эътибор берилгани ҳолда, ушбу соҳаларни такомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ички ишлар тизимини ҳам тубдан такомиллаштириш, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик, хотиржамликка ўзининг муайян ҳиссасини қўшиб келаятган тизим ходимлари, уларнинг оила аъзоларини руҳан, маънавий, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар бериш, ёш кадрларга бўлган эътиборни хар томонлама қучайтириш, тизимда фаолият юритаётган билим масканлари, тизимга қарашли маъмурий биноларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Мана, 12 йилдирки, ҳар йилнинг 25 октябри мамлакатимизда Ички ишлар органлари ходимлари кунини сифатида нишонланиб келинмоқда. Шу йиллар мобайнида соҳада фидокорона хизмат қилиб келаятган кўплаб ходимлар давлатимизнинг нуфузли мукофотлари, Ички ишлар вазирлигининг фахрий ёрлиқлари, дипломлари, эсдалик ва қимматбаҳо совғаларига сазовор бўлмоқдалар.

Ислон Каримов номидаги Тошкент аэропортда мамлакатимиздан ташқарига ва мамлакатимиз ҳудудига кириб келаётган йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, жамоа тартибни сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Она тилимизнинг мана шу ўтган йиллар даврида мавқеи хар жиҳатдан ошиб, мукамаллашди борди. Барча тизимларда бўлгани каби ички ишлар тизимларида ҳам ҳужжатларни юритиш давлат тилида олиб борилмоқда. Мамлакатимизнинг хар бир ҳудудида "Бокийсан, ифтихоримсан муқаддас она тилим!" мавзусида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Ўтказилган тадбир ҳам юқоридан номи таъкидлаб ўтилган байрамларга бағишланди. Тадбирда эл суйган саянқатор, Ўзбекистан халқ артисти, ўзбек миллий академик драма театри актриси Ёдгор Саъдиев, Республика Маънавият маърифат маркази тарғиботчиси, "Содиқ хизматлари учун" медали соҳибини Фулмондир Мусавеллар иштирок этди.

Тадбирда иштирокчилар томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътироф этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

БОЛАЛАРНИНГ БАНК СОҲАСИ БЎЙИЧА БИЛИМЛАРИ ОШИРИЛДИ

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Тошкент шаҳар минтақавий филиали томонидан Шайхонтоҳур туманидаги 157-сонли ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида "Бутунжаҳон жамғариш кунини" муносабати билан аҳолининг молиявий саводхонлигини юксалтириш, уларнинг тижорат банкларида бўлган ишонч ва қизиқишларини ошириш, ёшларнинг онгида пул маблағларини жамғариш тўғрисидаги билимларни шакллантириш мақсадида тадбир ўтказилди.

Тадбир доирасида мактаб ўқувчилари ўртасида ишлар танлови ва ижодий танлов ўтказилди, шунингдек, "Омонат нима ва нима учун керак?" мавзусида очик дарс ташкил қилиниб, унда банк фаолияти билан мактаб ўқувчилари яқиндан таништирилди. Ўсиб келаятган ёш авлод вакиллари ушбу тадбирдан бир олам завқ олиб, яқин келажак режаларини тузишда руҳланишди.

Жумладан, мактабнинг 10-14 ёшли ўқувчилари ўртасида "Нима учун биз иқтисод қилишимиз керак?" мавзусида, 14-18 ёшли ўқувчилари иштирокида "Нима учун жамғариш муҳимдир" мазу-

сида ишлар танлови ўтказилди ва голиб ўқувчилар эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Шунингдек, 8-10 ёшли ўқувчилар ўртасида "Молиявий ҳаёт болалар ниғоҳида" мавзусида ижодий танлов уюштирилди. Бунда ўқувчилар "Менинж жамғарма сандиқчан" мавзусида сандиқчани ўз қўллари билан ясади. "Нима учун мен пул йиғмоқчиман?", "Менинж орзуимдаги банк", "Менинж бизнес гоям" мавзусида расмлар танлови ҳам ўтказилди ва танлов голиблари муносиб равишда банк ходимлари томонидан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ПАРТИЯСИ: ЯНГИ СИЁСИЙ ТИЗИМНИНГ ЯНГИ БЎЛАГИ

Ҳар бир халқ, миллатнинг ўз анъаналари ва тақрорланмас урф-одатлари бор. Бу эса ўз навбатида ушбу жамиятнинг сиёсий тизимини шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда демократик жараёнлар жадал ривожланаётган, аҳолининг сиёсий омги изчил ошиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз сиёсий тизимида янги куч — Ўзбекистон Экологик партиясини ташкил этишга катта эҳтиёж пайдо бўлди.

Эслайтиб ўтамиз, 2019 йил 22 январь кунини Ўзбекистон экологик партияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида сиёсий партия сифатида рўйхатга олинган.

Жорий йилнинг 22 декабрь кунини Ўзбекистонда Олий Мажлисга, шунингдек, вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига бўлиб ўтadиган сайловларда илк бор янги ташкил этилган Ўзбекистон Экологик партияси ҳам иштирок этади.

"Биз келажак учун жавобгаримиз" гоясини остида ҳозирги ва келгуси авлоднинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқларини таъминлаш, экологик барқарорликка эришиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида жамиятнинг ижтимоий гуруҳларга ажратмаган ҳолда унинг барча куч-салоҳиятини бirlаштириш Ўзбекистон Экологик партиясининг асосий вазифасидир.

Партиянинг асосий мақсади — мамлакатда барқарор экологик жамият барпо этиш. Шу нуқтаи назардан, Партия ўзининг сайловдаги дастурига қуйидаги муҳим вазифаларни белгилаб олди: иқтисодийнинг барча тармоқларида сувни тежайдиган, шу жумладан томичилик сувни тежайдиган кенг қўлдандаланга қаратилган лойиҳаларнинг амалиётда татбиқ этилиши ҳисобига сув сарфини камайтиришга эришиш ҳамда суғориладиган ерларнинг 25 фоизгача майдониде сувни тежовчи (томчилик суғоричи) самарали технологияларни жорий этиш; муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонларини мамлакат ҳудудининг 12 фоизга етказиш; ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида услусиз экологик таълим тизимини жорий этиш, олий таълим муассасаларида экология фани бўйича педагогик

кадрлар тайёрлаш тизимини жорий қилиш; хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш. Аҳолининг табиий маданиятини юксалтириш; экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида илмий-тадқиқот институтини таъсис этиш масаласини ҳал этиш; иқтисодий таъмир-ремонт ва секторларнинг ривожлантиришининг миллий стратегиялари ҳамда дастурларини ишлаб чиқишда экологик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурсларнинг қимматли ҳисобга олинишини таъминлаш; экология соҳасида норма-тив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, Ўзбекистон томонидан қабул қилинган халқаро норма ва қоидаларга оғишмай риоя этилишини таъминлаш ҳамда мажмувий ва тўғридан-тўғри амал қиладиган Ўзбекистон Республикасининг Экологик кодексини қабул қилиш; экологик тоза транспорт воситалари миқдорини ошириш, аҳолини велосипедлардан фойдаланиш қўрсаткичларини яхшилаш, ёқилги сифатини халқаро стандартларга мослаштириш. Эскирган автотранспорт воситаларини утилизация қилиш масаласини ҳал этиш; бунёд этилаётган уйлариинг барчасида аҳолига қулай бўлган энергия ресурсларини тежайдиган "яшил қурилиш" талаблари бўйича қуришга эришиш ва бошқа муҳим вазифалардир.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан жорий йил 4 октябр кунини "2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорини имзолаши иқтисодий тизимни ривож, аҳолининг фаровонлиги ҳамда атроф-муҳитни асраб-авайлаш йўлида қўйилган салмоқли қадим бўлди.

Ушбу қарорда Оролбўйидаги экологик инқирознинг салбий таъ-

сирини юмшатиш чораларини қўриш борасида алоҳида тўхталиб, тегишли вазирлик ва идораларга топширик ва вазифалар юклатилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда экологик муаммоларни комплекс ҳал этиш ва атроф-муҳит ҳолатини яхшилашга қаратилган давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда экология ва соғлиқни сақлаш соҳасида миллий қонунчиликни такомиллаштириш партиянинг устувор вазифаси этиб белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Экологик партияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мамлакатимизда даракларнинг кесилиш маторияли эълон қилишнинг тезлаштириш ва даракларнинг ноқонуний кесилиш учун жавобгарлиқни қатъийлаштиришга, хос-сатан қимматли ўсимлик турлари учун жинойий жавобгарликка тортиш тақлифини киритди.

Бу беҳис эмас, албатта. Аҳоли истиқомат қилаётган жойларда даракларни кесми масаласи бугунги кунда мамлакатимизда катта норозилик кайфиятини уйғотмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда жадал равишда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари давомида таассуфки, хар доим ҳам ободонлаштириш ва табиатни асраб-авайлаш мезонлари етарлича эътибор берилмаслиқ оқибатида экологик вазиятга жиддий зарар етadётганини гувоҳи бўляпти.

Шу сабабли партия мазкур ҳолат ва аҳолини ташвишга солаётган бошқа муҳим масалаларни қонуний ечимини топишни ўз олдига мақсад қилиб олган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси сайловдади ташвиқоти ўтказишда депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга тенг шартлар яратилган ва чинакам демократик, очик, эркин ва шаффой сайловлар таъминланган. Эндиликда олдинги вақтлардаги каби "ҳўжа қўрсин"га сайловлар бўлмади. Чунки, энди жамиятимиз ўзгарди, инсонларнинг, сайловчиларнинг ҳуқуқий билими ва сиёсий фаоллиги ошган.

Бинобарин, Ўзбекистон Экологик партияси ўз электорати олдидаги масулиятини тўлалигича хис этган ҳолда, мамлакатимиз равақли йўлида бор куч ва салоҳиятини сафарбар қилишга ҳаракат қилди ва жамиятнинг ушбу ҳайрли шайъ-ҳаракатларда бирлашишга чорлаб қолади.

Борий АЛИХОНОВ, Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Севара ФАЙЗИЕВА, Ўзбекистон Экологик партияси Юнусобод тумани Кенгаши раиси

"ТРАСТБАНК": ТАМОЙИЛНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 декабрдаги "Халқаро ва хоржий молия институтлари билан ҳамкорлиқнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 майдаги "Ислон тараққийёт банки гуруҳи ва араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорлиқни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ижросини амалга ошириш мақсадида "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислон корпорацияси ўртасида жорий йилнинг 22 август кунини тузилган "Ислоний дарча" ҳизматини банкда татбиқ этиш бўйича келишувнинг шартларига мувофиқ, 2019 йилнинг 30-31 октябр кунлари "Трастбанк" раҳбарияти ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислон корпорацияси жамоаси вакиллари ўртасида узаро ўрнлаш бўлиб ўтди.

Учрашувда "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки раҳбарлари ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислон корпорацияси жамоаси раҳбари Mohammed Maher Mannai, П-лойиҳаларни бошқариш бўйича эксперти Ibrahim Al-Sayweda ва лойиҳа менежери Музаффар Низомиддиновлар иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, ислоний банкчилик — дунёнинг атрад мамлакатларида кенг қўлланиладиган молиялаштириш тамойилларига мос келадиган молиявий хизматларнинг муқобил туридир.

Учрашув давомида Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислон корпорацияси жамоаси раҳбари Mohammed Maher Mannai ва лойиҳа менежери Музаффар Низомиддиновлар банк раҳбарияти ва тегишли бўлим мутахассислари "Ислоний дарча" тамойиллари ва ислон молияси тўғрисида ўз тақдиротларини намойиш қилдилар.

— Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва баракатуҳ, биринчи навбатда шуни мамнуният билан айтганимиз, Ўзбекистон Республикаси ташриф бурганимиздан жуда мамнунимиз. Сабаби, бизнинг ташрифимизнинг асосий мақсади, "Трастбанк" орқали Ўзбекистонда истиқомат қилаётган мусулмон ва мусулмон бўлмаган аҳолига исломий-молиявий хизматларни тақлиф қилиш, шунингдек, ташрифимизнинг иккинчи сабаби, Имом Бухорий, Имом Муслим ва бошқа буюк уламолар юртига бўлган бизнинг меҳр-муҳаббатимиз, ана шу буюк алломуларимиз ўтган юрт бизни ўзига жалб қилади, — дейди Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислон корпорацияси жамоаси раҳбари Mohammed Maher Mannai.

Бизнинг ташкилотимиз ва Ўзбекистон ўртасида ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши жуда шарофли бўлгани учун ҳам "Трастбанк" томонидан "Ислоний дарча"ни очиб ташаббусини биз мамнуният билан қабул қилдик. Демак ўз навбатида шуни айтиб ўтишим жоизки, "Ислоний дарча" бу факат мусулмонлар учун эмас, балки мусулмон бўлмаган дин вакиллари учун ҳам қўлланилади. Ислоний молиянинг асосий мақсадларидан бири, бу реал иқтисодийта таъсир қилиш ва унинг ўсишини таъминлашдан иборат. Шу мақсадда "Трастбанк" орқали "Ислоний дарча" фаолиятини йўлга қўйишни кўзда тутишимиз. Албатта, бу мамлакатда банк хизматларидан фойдаланмаётган мижозлар учун ҳам қўлланади. Чунки, бу "Ислоний дарча"ни очиб орқали мижозлар ва жисмоний шахсларга уларнинг эътиқодидан келиб чиққан ҳолда муқобил молиявий хизмат турларини тақлиф қилиш ҳамда уларнинг молиявий эҳтиёжларини қондириш мумкин бўлади.

Бу жуда катта ташаббус ва республика тарихида биринчи мартабо амалга оширилмапти. Мисол учун айтadиган бўлсам, Ислон тараққийёт банки ва Ислон молия корпорацияси Ўзбекистонда амалга оширилаётган чуқур ислотларни шоҳиди бўлмоқда. Шу навбатда республика бўйича исломий молияни ривожлантириш соҳасида ҳам жуда катта ишлар амалга оширилмоқда ва аминманки, келажакда исломий молияни ривожлантиришда Ўзбекистон аввалгидек буюк уламолари ва ислон маданияти маркази бўлгани каби "Ислоний молия маркази" сифатида фаолият олиб боради. Ишончим комилки, мамлакатда бунга кенг имкониятлар яратилган ва бу ишларни банк мутахассислари билан бирга амалга оширишда бизнинг ташкилот қўлдан келганча ёрдам беришга тайёр.

Яна бир масалага алоҳида тўхталиб ўтишни истардим, "Трастбанк" номи ҳам беҳис эмас, яъни бунинг таржимасини "Ишонч" банк деб тушунадиган бўлса, бизнинг мақсадинми мижозлар тарафидан "Ислоний дарча"га бўлган ишонч ҳам таъминланадиган иборат. Бу қандай таъминланади? деган савол туғилиши табиий. Албатта, "Ислоний дарча"нинг транзакциялари, банкининг анъанавий транзакциялари фаолиятидан ажратилган ҳолда бўлади. Яъни, инфоромцион технологияси, бухгалтерия ҳисоби ва ҳоказо. Асосий мақсад, шарият тамойили ва қоидалари асосида исломий-молия хизматлари билан таъминлашдан иборат.

"Трастбанк" орқали "Ислоний дарча"нинг ишга тушиши мамлакатда иқтисодийни диверсификация қилишга сабаб бўлади. Иқтисодийта мамлакат аҳолисига муқобил молиявий хизматларнинг кўрсатилиши аҳоли учун кўпгина қўлайликлар яратади, бу эса иқтисодийнинг тўлақонли ривожланишига туртки бўлади.

Мисол учун айтadиган бўлсам, ҳозирги вақтда "исломий молия" ва "исломий банкчилик" Сингапур, Англия ва бошқа ривожланган давлатларда тез суьратлар билан ривожланимоқда. Сингапурнинг мусулмон аҳолиси 5 фоиз бўлишига қарамастан, исломий банкчиликка бўлган талаб ва эҳтиёж қокори. Шундан келиб чиққан ҳолда мен аминманки, Ўзбекистоннинг 95 фоиз аҳолиси мусулмонлари ташкил этган мамлакатда ислон молияси бўйича катта имкониятлар мавжуд.

Бугунги кунда Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки раҳбарлари томонидан ҳам ислон молияси қўллаб-қувватланмоқда ҳамда уни ривожлантириш билан шугуланувчи алоҳида департаментлар ташкил этилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз Ўзбекистон Республикасида ҳам бу йўналишда ишлар ривожланишига ва "Ислон молия маркази" бўлишига қаттиқ ишонимиз ва бунга аминимиз, — дея сўзини якунида Mohammed Maher Mannai.

Таъкидлаш жоизки, "Трастбанк" хусусий акциядорлик банкчида "Ислоний дарча" хизматининг жорий этилиши, банк мижозларига исломий тамойилларга асосланган чакана ва корпоратив банк хизматлари ҳамда махсулотларини тақлиф этиш чинги молия-банк хизматларидан муваффақиятли фойдаланиш имконини беради.

Учрашув сўнида "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислон корпорацияси ўртасида "Ислоний дарча"ни ишга тушириш бўйича йўл харитаси тасдиқланди.

Банк Ахборот хизмати

Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Давлат хизматлар маркази томонидан 17.01.2019 йилда МЭ 668714 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "THE GLOBE SERVICE" МЧЖ (СТИР 306001634) таъсисчиларининг 30.08.2019 № 2-қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 22/1-уй манзилда қабул қилинади. Телефон: +99890 355-77-88.

"Олмазор тумани ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Олмазор тумани, Себзор даҳаси 4-уй, 139-хонадон учун Тулегонов Абдикадир Рихсиевич номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент тумани йўл муҳандислари институти қоида 2-сон академик лицейи томонидан 2016 йилда Уткуров Бекзод Бахром ўлига берилган L № 289150 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Дзюдо

АБУ-ДАБИДАН 2 ТА МЕДАЛЬ

Токио олимпиадасининг рейтинг баллари эса камайиб бормоқда

БАА пойтахти Абу-Даби шаҳрида "Катта Дубулга" туркумига кирувчи турнир ўз якунига етди. Мамлакатимиз дзюдочилар катта имкониятлар майдони бўлган ушбу нуфузли мусобақада фақат икки нафар спортчимиз — Дийрбек Ўразбоев (-60 кг) ва Ҳикматулло Тўраев (-73 кг) нуфузли мусобақанинг бронза медали ҳамда Токио Олимпиадаси йўлидаги қимматли 500 рейтинг очкосини қўлга киритди. Албатта, термина жамоамизнинг айрим аъзолари ўз ваъдаларида қайсидир босқичга етиб келишди. Бирок, умумий ҳолатда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Бирлашган Араб Амирликларидаги нуфузли турнирда ўз имкониятлари даражасида қатнаша олишмаганлиги бор гап.

Асосий умидларимиздан бири — 60 кг вазнда Шарофиддин Лутфуллаев иккинчи босқичда Франциялик Лука Мхайдедан устун келган бўлса-да учинчи даврада россиялик Яго Абудлазга имкониятни бой бериб мусобақадаги иштирокини мuddатидан аввал якунлади.

Айнан шу вазнда курашган Рио-2016 Олимпиадаси совриндори Дийрбек Ўразбоев қайсидир маънода Шарофиддиннинг "алами"ни олди. Ўз иштирокини тўридан-тўғри иккинчи босқичдан бошлаган Дийрбек туркиялик Мухрач Аккуш, учинчи даврада гollandиялик Торнике Цақадогани мағлубиятга учратди. Эътиборлиси, Дийрбек мусобақанинг бронза медали учун кечган беллашувда бразилиялик Фелипе Пеллини соф ғалаба, яъни иппон баҳоси билан мағлуб этди. Худди шунингдек, Ш.Лутфуллаевни томошабинлар сафига кузатиб қўйган Яго Абудлазе ҳам бронзали бўлди.

Ўзбекистон номидан -66 кг вазн тоифасида икки дзюдочимиз татамига чиқди. Сардор Нуриллаев биринчи босқичда словакиялик Матей Польякни мағлуб этди, лекин иккинчи даврада корейлик Ан Баулга ютказиб қўйди. Ушбу вазндаги иккинчи вакилимиз Шахрам Аҳадов эса тўридан-тўғри иккинчи давранан курашга қўшилди ва илк учрашувдаёқ испаниялик Альберто Мартин Гайтерога имкониятни бой берди.

Аёллар ўртасидаги -52 кг вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Дийра Келдиёрова биринчи даврада грузиялик Марьям Жанавилини енгди. Аммо иккинчи босқичда британиялик Челси Жилесдан енгилди.

Камолиддин Расуллов -81 кг вазнда биринчи даврада анча тажрибали рақиб, бельгиялик Сами Шуши, иккинчи босқичда канадалик Этьен Брайнд, нимчорак финалда французлик Алфа Жало Оумардан устун келганди. Бирок, бронза медали учун кечган ўтиш беллашувда 2017 йилги Европа чемпионатининг кумуш медали совриндори германиялик Доминик Ресселга ютказиб қўйди. Камолиддин Расуллов Абу-Даби турнирида 7-ўринни эгаллаб, олимпиаданинг 260 рейтинг очкосига эга бўлди.

Абу-Даби турнирида -73 кг вазнда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Ҳикматулло Тўраев албаниялик Жон Вренози, хитойлик Дага Квинг, перулик Алонсо Вонг, озарбайжонлик Рустам Оружовдан устун келганди. Лекин ярим финалда канадалик Артур Маргелидонга имкониятни бой бериб қўйди. 3-ўрин учун кечган курашда эса бельгиялик Дирк Ван Тичельтнинг вазари баҳоси билан мағлубиятга учратди.

Катта Дубулга турнирининг -90 кг вазн тоифасидаги бахсларда юртимиз шарафини ҳимоя қилаёт-

ган Давлат Бобонов учинчи даврада, яъни чорак финал оstonасида венгриялик тажрибали спортчи, жорий йил Японияда ўтган жаҳон чемпионатида 5-ўринни эгаллаган Кристиан Тоттга қизгин беллашувда кичик имконият билан мағлуб бўлди. Тотт ва Бобонов ўртасидаги беллашув турнирнинг ўта мураси-сиз беллашувларидан бири бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Дзюдочимиз +100 кг вазндаги Алишер Ҳусупов биринчи даврада Тошкент Гран-при турнирининг совриндори австриялик Даниэль Аллерсторферни мағлуб этди. Иккинчи даврада амалдаги Осиё ўйинлари ва шу йил Парижда ўтган Катта Дубулга турнири голиби Жанубий корейлик Ким Санг Минга ютказиб қўйди.

Абу-Даби турнирининг голиб ва совриндорлари тақдирланди. Шоҳсулага кўтарилган спортчилар сафига бизникилар кўпроқ бўлишини ният қилганди. Афсус... Турнир якунлари, спортчиларимизнинг иштироки ҳусусида мураббий ва мутахассислар тегишли хулосаларни чикаради, албатта. Биз эса маълумот учун айтмоқчимизки, нуфузли мусобақа голиблари ўз ҳисоблари-га 1000 рейтинг очкосини қўшиб қўйишди. Кумуш медали соҳиблари 700, бронзачилар эса 500 рейтинг очкосига эга бўлишди.

Т.РЎЗИЕВ

БУГУНГИ МУХЛИС, ЭРТАНГИ СПОРТЧИ — БЎЛАЖАК ЧЕМПИОН

Юртимизда спорт турлари ривожига, жумладан, футболга катта аҳамият берилмоқда. Бежизга футболни миллионлар ўйини дейишмаган. Ўзбек футболининг келажаги ва узоқ ўтмиши ҳақида кўплаб башоратларни айтишимиз мумкин.

Бугунги кунда футболчиларимизнинг кенг фаолият юритишлари учун давлатимиз томонидан барча имкониятлар билан бира шароитлар ҳам яратилмоқда. Бу борада Миробод туманида ҳам ибратли ишлар амалга ошириляпти.

Миробод тумани ҳокимлиги ташаббуси билан тумандаги барча олий таълим муассасалари талабалари ўртасида спортнинг футбол тури бўйича "Ҳоким кубоги" мусобақаси ўтказилди.

— Ушбу мусобақани ўтказишдан асосий мақсад олий таълим муассасалари талабалари ва ўқитувчилари орасида дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдир, — дейди Миробод тумани жисмоний тарбия ва спорт бўлими раҳбари Баҳодир Баҳромов. — Бундан ташқари, спортчилар орасида иқтидорли ёшларни саралаб олиш ва шу билан бир қаторда уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш. Нафақат, маълум бир тоифа вакилларини, балки, бутун бир жамоани спортга жалб қилиш ҳам бизнинг асосий мақсадимиз. Биз бу борада маълум бир ютуқларга эришдик, дейиш ҳам мумкин. Негаки эътибор берадиган бўлсак, майдонда турганлардан кўра унинг атрофида кўздан ўт чақнаётган ёшларни кўра туриб, қалбимда Ватанга ва жамиятимизга кўрсатаётган меҳнатимнинг самарасидан қувониб кетаман.

Натижаларга кўра, футбол мусобақасида 1-ўринни — Тошкент темир йўл муҳандислари институти жамоаси, 2-ўринни — Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, куриш ва эксплуатацияси институти жамоаси ва 3-ўринни эса Тошкент халқаро Вестминстер университети жамоаси қўлга киритишди. Голибларга туман ҳокимлиги томонидан эсдалик совғалар топширилди.

Лола ХОЛМАМАТОВА,
Тошкент архитектура-қурилиш институти катта ўқитувачиси

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

Фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, кўнгилсиз ҳодисалардан муҳофаза қилиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, рўй бериши эҳтимоли бўлган табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш мақсадида ФВВ қошида бир қанча қидирув-қутқарув тузилмалари халоскорлик хизматларини олиб бормоқдалар. Айни пайтда вазирлик тузилмаларида авария-қутқарув, сувда қутқарув, тоғ-қутқарув, радиацион, кимёвий ва биологик муҳофаза, техник-муҳандислик гуруҳлари жамланган ва улар кечаю кундуз хизматга шай туришибди.

ФВВ тизимининг асосий бўғинлардан бири — сувда қутқарув хизмати ҳисобланади. Бугунги кунда республикамизда ФВВ қошида қутқарувчиларни қайта тайёрлаш маркази фаолият кўрсатмоқда. Бу даргоҳни битирган юзлаб қутқарувчи-фаввослар жойларда хизмат вазибаларини сидқидилдан бажариб келяптилар. Шундай бўлса-да, Сувда қутқарув хизмати ташкил этилганидан буён қутқарувчи-фаввосларимиз томонидан сувга чўкиб кетаётган ўнлаб инсонларнинг ҳаёти сақлаб қолинди, юзлаб жасадларни олиб чиқишга мубаффақ бўлинди.

Шу боисдан, фаввосликни ҳам хайрли ва савобли касблар сирасига қўшиш мумкин, десак асло мулобага бўлмайдми. Қутқарувчи-фаввосликни орзу қилган инсон аввало, бу касбга бор меҳрини бериб, унга астойдил қизиқиши лозим. Негаки, қутқарувчи-фаввослик касби осон юмушлар хилдан эмас. Унинг ҳам ўзига хос масъулияти ва машаққатли жиҳатлари бисёр. Фаввослик кийимини кийиб, кислород тўлдирилган баллончани елкасига тангиб, чуқур сув қатъига тушишининг ўзи бўлмайди. Боз устига сув тагида узоқни қўриш анча мушкул. Айниқса, сув лойқаланган бўлса, барча саъй-ҳаракатлар бесафар кетиши ҳеч гап эмас. Чўкиб кетаётган инсоннинг ҳаётини сақлаб қолиш ёки сув остидаги жасадни олиб чиқишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун фаввос-қутқарувчининг ўз ҳолатининг сирларидан тўла воқиф эканлигидан ташқари, кучли ва матонатли бўлиш талаб этилади. Жабрдий-да ва унинг яқин қариндошлари эса ундан нажот кутади.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, қидирув-қутқарув гуруҳлари ва фаввос-қутқарувчиларнинг касб маҳоратини ошириш, уларни вақти-вақти билан чиққитириб туриш мақсадида турли мусобақалар ўтказиб турилади. Республика миқёсидаги ана шундай тадбирлар ҳар йили мавсумда ўтказилса, ФВВ тизимидоғи фаввос-қутқарувчиларнинг кўпқураш мусобақалари давомида ўз хизмат вазибаларига алоҳида масъулият билан ёндашган, уларнинг юқори касбий маҳорати, жисмоний ва руҳий тайёрлигини ҳамда шахсий тарбияси ичида намуна кўрсатган бир гуруҳ голиблар муносиб тақдирланиб турадилар.

Фаввосларнинг айтишига қараганда сув тубига чўкиб кетган одам узоғи би ичида олиб чиқилса унинг ҳаёти сақланиб қолиши мумкин экан. Ах ҳолда...

Кундалик ҳаётимизда рўй бераётган бундай кўнгилсиз ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар республикамиз вилоятларидан ФВВ ва унинг кўйи тузилмалари наватчилик қисмига тез-тез келиб турибди. Афсуски, сувга фарқ бўлганларнинг аксарияти қўриқланмайдиган сув ҳавзаларидан кўпроқ кузатишмоқда. Аяничи томони шундаки, сувда чўкаётганларнинг кўп қисмини болалар ва ўспирин йигитлар ташкил этади. Уларнинг аксарияти чўмилишдаги эҳтиётсизликларни тўғрилик бевақоб бўлишмоқдалар.

Республикамиз фуқароларидан ҳамда меҳмонларидан тушган аризаларга ҳамда Ички ишлар вазирлиги ходимларининг мунозафатига мувофиқ, Сувда қутқарув гуруҳи фаввослари томонидан сув тубига чўкиб кетган одамларнинг жасадларини топиш мақсадида қидирув ишлари олиб борилиб, топиладган жасадлар худудий ички ишлар бошқармаларининг тезкор-тергов ходимларига топширилмоқда.

Энг муҳими, сувдан қутқарув гуруҳининг аксарияти фаввослик кийимлари ва бошқа асбоб-ускуналар билан етарли жиҳозланган. Улар сувга чўкаётганларни қутқариб қолишдан ташқари, биринчи навбатда тез тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини ўзлаштириб олганлар. Сувда чўкиш ҳодисалари билан боғлиқ бўлган ноҳус ҳолатларни бартараф этиш мақсадида ҳар йили мавсумда одамлар гавжум бўлган чўмилиш масканларида сувдан қутқариш хизматининг транспорт воеиталари, моторли қайиқлари, тезкор алоқа шай халатга келтирилади.

Профилактик тадбирларни олиб боришдан асосий мақсад инсонларнинг сувда чўкиши билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, уларнинг бевақоб қурбон бўлишига йўл қўймастикдир.

Афсуски, сувда чўкиш билан боғлиқ муҳим ҳодисаларга асосан ота-оналар томонидан назоратнинг бўшаштирилгани, маҳалла, мактаб, коллеж, академик лицей ва бошқа ташкилот ҳамда муассасалар ходимларининг ёшлар орасида тушунтириш ишларини қониқарсиз олиб бораётгани, шунингдек, болаларнинг сузишини билмасликлари ҳам сабаб бўлади. Яна шунчи ҳам эслатиб ўтмоқчимизки, фақат Қутқарув хизмати фаолият кўрсатаётган жойлардагина чўмилишга руҳсат этилади. Бирор бахтсиз ҳодиса юз бергудек бўлса, халоскор-фаввослар ёрдамга келишди.

Азамат СУЮНОВ,
журналист

Божхона

ЯШИРИН ЙЎЛЛАР БИЛАН ОЛИБ ЎТИШГА УРИНГАН КИМСАЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

Сифати кафолатланмаган товар-моддий бойликларни ноқонуний йўллار билан олиб киришга уринган кимсалар боғжоначилар томонидан ўз вақтида фош этилди.

Жумладан, Тошкент шаҳар боғжона бошқармаси "Келес" темир йўл чегара боғжона пости ходимлари қўшни давлатлардан кириб келган поезд йўловчиларининг юklarини белгиланган тартибда боғжона кўригидан ўтказишди.

Натижада йўловчи фуқаролар З.Қ. ва М.М.лар умумий қиймати 65,3 миллион сўмлик 100 қутти электрон сигаретлар, 150 килограмм суюқ тамаки ва электрон сигарет учун воситалар, жами оғирлиги 445 килограммни ташкил этган озиқ-овқатлар (пишлок, қандолат ва балиқ маҳсулотлари), 308 дона соч бўёқлари ҳамда кийим-кечакларни вагон ўриндиклари тагида боғжона назоратидан яшириб олиб келаётганлиги аниқланди.

Шунингдек, яна бир йўналишда кириб келган поезд йўловчиларидан бири фуқаро Н.О.нинг қўлга олини белгиланган тартибда боғжона назоратидан ўтқа-

зилди. Ушбу фуқаро қиймати 4,2 миллион сўмлик 84 дона оптик кўзойнақларни вагон ўриндиклари остига яшириб олиб келаётганлиги маълум бўлди.

Шунга ўхшаш яна бир ҳолатда йўловчи поездидан келаётган фуқаро Т.А.га тегишли бўлган қўлга олини белгиланган тартибда боғжона назоратидан ўтказилганда фуқаро томонидан озғани сўровда айтилмаган ва декларацияланмаган ҳолда вагон ўриндиклари тагида беркитиб олиб келинаётган умумий қиймати 50 миллион сўмлик 30 000 дона чай маҳсулотлари борлиги фош этилди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар бўйича боғжона органлари томонидан суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Тошкент шаҳар боғжона бошқармаси
Ахборот хизмати

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЯШНОБОД ТУМАНИ МОЛИЯ БЎЛИМИ МАЪЛУМОТИ

2019 йил 1 октябрь ҳолатига Тошкент шаҳар Яшнобод тумани бюджети қўшимча манбаларнинг миқдори 4 543 500 000 сўмни ташкил этди.

Ушбу маблагларнинг қамиди 10 фоиз 454 350 000 сўм маблаг жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида Сизнинг иштирокингизни сўраймиз.

Бунинг учун Сиз www.openbudget.uz сайтида туманимиз аҳолиси томонидан таклиф этилаётган тадбирларга овоз беришингиз ёки овоз бериш саҳифасининг қўйи қисмида жойлашган "фикрингизни қолдириш" тумғаси орқали ўз таклифингизни қолдиришингиз сўралади.

Тадбирга овоз бериш ёки таклиф бериш давомида 2019 йил 15 октябрдан 2019 йил 15 ноябрга қадар давом этади.

Шу муносабат билан Сиздан тадбирда фаол иштирок этишингизни сўраймиз.

Тошкент шаҳар Яшнобод тумани молия бўлими

Тошкент шаҳри Учтепа тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 28.03.2019 йилда № 703675 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "AZIYA BETON LIEBER" МЧЖ (СТИР 306271220) таъсисчининг 30.10.2019 йилдаги № 2 қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мuddат ичида Учтепа тумани, Бекобод sanoat зонаси манзилида қабул қилинади.

"BABY SANDY" МЧЖ (СТИР 305352999) устав фонди 1 599 330 339 сўмдан **352 050 170** сўмга камайитирилаётганлигини ҳамда эътирозлар эълон нашр қилинганидан кундан бошлаб қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилишини билдиради! Телефон: +99897 707-20-00.

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, куриш ва эксплуатацияси институти жамоаси институтининг "Ижтимоий фанлар" кафедраси доценти

Анвар Полловнич АЛЛАБЕРГЕНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.